Г-7 0297

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 5 февраль, чоршанба **Баҳоси сотувда эркин нархда.** **№ 11 (6907)**

Даъват

Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли булишига бош сабаб илмдир. Экинлар учун ёмғир, суғориш қандай керак булса, одам боласи учун ҳам илм шу даражада кераклидир.

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН.

Ибрат

Инглиз тилида утказилган «Талаба ва илмий-техник тараққиёт» республика олимпиадасининг энг ёш иштирокчиси, пойтахтимиздаги 41-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жаҳона Абдурасуловага Президент совғаси — компьютерни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тоҳир Орипов топширди.

- **Руминия пойтахтидаги йирик китоб дўконларидан бири — «Академкитоб» магазинида Бухарестдаги «Спинол» нашриёти томонидан кўпминг нусхада румин тилида чоп этилган Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

- **Тошкентда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда германиялик мутахассислар билан биргаликда «Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазасини ривожлантириш» халқаро лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси умумий иқтисодий комплексининг бу галги мажлисида комплекс таркибига кирган вазирликлар ва идораларнинг 1996 йилги фаолияти якунлари кўриб чиқилди.**

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирокида «Фуқароларнинг Мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалда бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

- **Россия Президенти Б. Ельцин Чеченистоннинг янги Президенти Аслан Масҳадовга телеграмма йўллаб, сайловларни икки томон ўртасида муносабатларни ўрнатишда биринчи қадам деб баҳолаган, бироқ телеграммада Чеченистон Мустақиллигини тан олишга ишора умуман сезилмаган.**

- **Чеченистон Президенти А. Масҳадов Ингушетия Президенти Руслан Аушев билан шу мамлакат ҳудудида бўлиб ўтган ёпиқ эшиклар ортидаги учрашувда иккала мамлакатни ҳам қизиқтирадиган масалалар муҳокама этилган.**

- **Исроил ва Фаластин раҳбарларининг Швейцариянинг Давос шаҳридаги учрашуви, бу мамлакатлар бошлиқлари таъбирича, жуда самарали бўлган.**

«ИСТИҚЛОЛ» – РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

4-бетга қаранг

Ўзбек тили доимий анжуманининг IV йигини олдидан

ФИКР ЛИБОСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

ёхуд болага қоидани эмас, аввало, нутқни ўргатайлик

Дунёга юз тутиб, бозор иқтисодиётига кириб бораётган ёш мустақил давлатимизга ҳозирги кунда ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган, фикрини исботлай оладиган, гапга чечан, сўзини ўтказа оладиган мутахассислар керак. Бундай мутахассисларни тайёрлашга мактаб илк замин тайёрлайди. Шундай экан, мактабда ўқитиш жараёнининг, жумладан, она тили таълимининг асосий вазифаси ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш, уларни ўз фикрларини мантиқий изчил ва услубий саводли қилиб баён этишга ўргатишдан иборатдир.

Афсуски, она тили фани бўйича амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчиларга асосан тилшунослик қоидалари, назарияси ҳақида билимлар беришга мўлжалланган бўлиб, уларда нутқий кўникмалар, хусусан, боғлиқли нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш, яъни ўз фикрини боғлиқли матн тарзида баён этиш малакаларини ҳосил қилишга мўлжалланмаган. Она тили таълими олдида ана шу камчиликларни бартараф этиш масаласи айни кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўзбек тили доимий анжуманининг 1997 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги тўртинчи йиғинининг асосий мавзуси қилиб ўқувчиларда матн яратиш, аниқроғи, фикрни боғлиқли матн тарзида баён этиш малака ва кўникмаларини шакллантириш муаммосини белгилади. Баён этмоқчи бўлган фикр-мулоҳазаларимиз ҳам айнан шулар хусусида.

Аввало, матн яратиш хусусида тўхталсак, унда фикрни қайси (оғзаки ёки ёзма) тарзда ифодаланишидан қатъи назар ўқувчи, аввало, нима ҳақида ва нима учун гапириш (ёзиш) кераклигини, яъни мақсадни яхши англаши керак. Мақсадга қараб тузилажак матннинг мавзуси белгиланади ва тури аниқланади. Матн баёний бутилиши, бирон фикр исботланиши мумкин. Шунга қараб яратилажак матннинг тури аниқланади, яъни унинг баёний, тасвирий, тавсифий ёки мулоҳаза турдаги матн бўлиши белгилаб олинади.

Гап шундаки, бу матн турларининг ҳар бирида узига хос лисоний ва лексик воситалар қўлланади. Ҳар бирининг кириш, асосий ва хулоса қисмлари ўзгача хусусиятга эга булади. Ўқувчилар ана шу хусусиятларни билиб олсаргина, фикрни саводли қилиб тўғри ифодалашни урганадилар.

Аслида матнда фикрларни мантиқан изчил қилиб баён этиш катта аҳамият касб этади. Баъзи матнлардаги ғализликлар, кўпинча, фикрлар изчиллиги ва мантиқига мос келмайдиган ёки зид бўлган фикрнинг мавжудлиги, шунингдек, мавзудан четлаб кетиш ҳолларидан келиб чиқади. Шундай экан, ўқувчиларга мантиқ қонун-қоидаларини ўргатиш ва уларда фикрни матн тарзида мантиқан изчил

(Давоми 2-бетда).

«ДАРСИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ»
«КИЧКИНТОЙЛАР АЛИФБОСИ»
2-бет

КИМЁ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ОЛТИ САВОЛ
3-бет

Янгилик

ЯНА БИР БИЗНЕС МАКТАБИ

Янги ўқув йили бошланиш арафасида Андижон шаҳрида ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тадбиркорлар палатасининг қарорига биноан қатор вилоятлардаги каби халқаро бизнес мактабининг филиали очилди. Математика ва инглиз тили фанларидан тест синовлари ўтказилиб, унда яхши натижаларга эришган 117 нафар йигит-қизни шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Ҳозир бизнес мактабида 3 та, яъни ҳуқуқ ва бизнес, молиявий менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик анализи факультетлари иш олиб бормоқда. Буларда малакали мутахассис ўқитувчилар ёшларга ўз сабоқларин бериб келишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бизнес мактабида таълим бераётган муаллимларнинг аксарияти профессор ва фан номзодларидирлар. Улар Андижон вилояти тиллар институти, халқ хўжалиги институти ва бошқа ўқув юртларининг домлалари бўлиб, шартнома асосида иш олиб боришмоқда. Мактабда ўқиш уч йил бўлиб, ана шу қисқа давр ичида бу ерни битирган талабаларга халқаро иқтисодчи дипломи берилади. Эътиборли томони шундаки, бу диплом ёрдамида йигит-қизларимиз хорижий давлатларда ҳам фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўладилар. Янги жойда камчилик ва муаммолар бўлиши аниқ. Бизнес мактаби ҳам бундан холи эмас. Мактаб директори О. Комилов биз билан суҳбатда бу ердаги муаммолар тез орада ҳал бўлиши ҳақида тўхталиб, шундай дейди:

— Ҳозир мактабимиз ўз ўқув биносига эга эмас. Шу сабаб тиллар институтида ижарада дарс олиб боряпмиз. Шаҳар ҳокимлиги томонидан шу йил ичида мактабимизга алоҳида бино ажратишга ваъда берилган.

Чиндан ҳам бизнес мактабидан келажакда малакали иқтисодчи мутахассислар етишиб чиқишига ишонч бор. Буни илм масканига қадам ранжида қилган киши жамоа аъзолари ҳар бир масалага таҳлилий ёндашишларидан, фан машғулотларига янгиликлар билан киришишларидан билиб олишлари шубҳасиздир.

Раҳимжон ИСМОИЛОВ,
ТошДУ журналистика факультети халқаро журналистика бўлими 2-курс талабаси.

ХУШХАБАР

Уни биз қашқадарёлик мухбиримиздан олдик. Чироқчи туманидаги «Бешчашма» жамоа хўжалигида янги мактаб қурилиб, ишга туширилибди.

Шунингдек, Шаҳрисабз туманидаги «Оқдарё» хўжалиги ҳудудида жойлашган Рўдакий номли мактаб ўқувчилари ҳам 320 ўринли янги мактаб биносига кўчиб ўтишди.

•

«Камолот» жамғармаси Булунғур тумани бўлими ўқувчилар ўртасида «Истиқлолнинг етук фарзандлари» мавзуида кўрик-танлов ўтказди. Танлов баҳслашувлар, мусиқалар билан қизиқарли ўтди. Кўрик-танловда 1-мактаб ўқувчилари Ш. Тиллаев ва А. Абдуҳамидовлар ғолиб деб топилди. Ғолибларга жамғарма бўлимининг мукофотлари топширилди.

Акс-садо

ЧАШМАЛАР ОЧИЛАВЕРСИН

Даврон Раҳмоновнинг кашфиёти (14.12.96 сонда) ҳақида ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Оддий бир қишлоқ ўқитувчиси ўқувчилари билан илмий изланишга қўл урибдими, демак, уни қўллаб-қувватлаш керак.

Ҳа, математика тарихида ҳал қилинмаган жумбоқлар жуда кўп. Д. Раҳмонов қўл урган 3 муаммо ҳам шулар жумласидан. Уларнинг биринчиси, яъни бурчакни тенг учга бўлиш масаласи қисман кичик бурчаклар учун ҳал қилинган.

Иккинчи муаммо эса буюк Ферма теоремаси $X^n + Y^n = Z^n$ тенглама бўлиб $n > 2$ ҳол учун ечилмаган. Агар Д. Раҳмонов $n = 2,1$ ҳол учун ечган бўлса ҳам, катта кашфиёт ҳисобланади.

Учинчи муаммо доира квадратураси масаласига келсак, биз ҳалигача эрамиздан олдинги 250 йилларда яшаб ўтган Архимед таклиф қилган усул билан доира юзини ҳисоблаб келамиз. Яъни доирага ички ва ташқи кўпбурчаклар чизиб, бу кўп бурчакларни томонлари кўп марта орттирилганда, уларни P периметри айланананинг L узунлигига интилади деб тақрибий усулда анча хатолик билан ҳисоблаймиз.

Агарда Д. Раҳмоновнинг усули буйича бундай тақрибий ҳисоблашлар бўлмаса ёки унинг хатолиги мавжуд усул хатолигидан кам бўлса, уни юқори баҳоламоқ керак. Мабодо юқорида келтирганларимиз Д. Раҳмонов ишида ижобий ҳал этилган бўлса, у кишига УзФАсининг Математика институтидаги ёки ТошДУнинг математика факультетидаги илмий семинарлардан бирида маъруза қилишни маслаҳат бераман. Чунки у ердаги мутахассис олимларимиз ўз фикрларини билдиришади.

Энди фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамиз «Маърифат» муҳарририятига ҳам бир илтимос қилмоқчи эдим. Республикамиз қишлоқ мактабларида Д. Раҳмонов сингари қобилиятли ўқитувчилар жуда қуплаб топилади. Газетадан шундай мактаб ўқитувчилари учун рубрика очилиб, уларнинг ишлари ёритилиб борилса, қуплаб чашмалар очилган бўлур эди.

Абдуҳолиқ МАҲАТОВ,
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 40-ўрта мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси, техника фанлари номзоди.

Бухоронинг 2500 йиллигига

МУИН АЛ-ФУҚАРОНИНГ «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА»

АСАРИ ҲАҚИДА

Аҳмад бини Маҳмуд Муллозода Бухорий «Муин ал-Фуқаро» номи билан машҳур бўлган олимдир. Унинг ягона асари «Тарихи Муллозода» (Мазорони Бухоро) деб аталади. Муллозода бу асарида ислом давридан бошлаб 15 асргача Бухоро заминида кўмилган 160 нафар олиму фоқиҳ, шайху-суфий, султон, садру-қозилар қабрлари, уларнинг насл-насаблари, фаолияту карамотлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Муллозоданинг асари «Тарихи Наршахий» билан бир қаторда Бухоро тарихи ва ўтмишига оид маълумот берадиган манбалардан ҳисобланади. Қўлёзма асарларда ҳам бу иккала асар кўпинча бирга кўчирилган.

Аҳмад бини Маҳмуд Муиннинг таржимаи ҳоли маълум эмас. У Хожа Муҳаммад Порсо (1419 милодий йили оламдан ўтган — Ш.В.)нинг мурид ва нақшбандия тариқатининг солики бўлган экан.

«Тарихи Муллозода» (ёки «Бухоро мозорларининг зикрида») номли асар рус тилига таржима қилинган, холос. Анча йиллар бу манба олимларимиз назаридан четда қолиб келган. Асарнинг илмий матни 1955 ва 1991 йили Аҳмад Гулчини Маоний томонидан Теҳронда нашр этилди. Шу нашр асосида «Тарихи Муллозода» баъзи қисқартиришлар билан ўзбек тилига ўгирилди ва шарҳлар берилди.

Ш. ВОҲИДОВ.

МУИН АЛ-ФУҚАРО

«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА»

... Билгинки, уламои дин ва шайхларнинг пок ва муқаддас руҳларига яқин бўлишга интилиш барака келтиради, дин ва дунё саодатига етказади. Бу маънонинг тавфики мурод-мақсадларнинг амалда бўлишига ва мушоҳиднинг даражаларига етказишини кўрсатади.

Балдаи Фохира Бухоро ва унинг туманлари, Аллоҳ ўз фазли билан уни ва аксар мусулмон ўлкаларни офатлар ва хатарлардан сақласинким, бу китобда зикр этилади.

Бухоро Масжиди жомеъси Қутайба (Абу Ҳафс Қутайба бини Муслим бини Амру бин ал-Ҳусайн ал-Боҳи-

(Давоми 3-бетда).

ОҒИР ТОПИЛМА

Хитойлик олимларнинг шимолий Хитойда олиб борган археологик қидирув ишлари жараёнида шу пайттача топилган динозаврларнинг энг йириги қазиб олинди. Бундан 70-130 миллион йил муқаддам яшаган динозаврнинг узунлиги 21 метр, оғирлиги эса 100 тонна чиқди.

ЭНГ УЗУН ИСМ

Янги Зеландияда туғилган гўдакка қуйилди. Анару Типене Хамуэра Эримаса Нгапум... ва яна шундай 12 та қийин талаффузли сўзлардан баъзилари чақалоқнинг қадимий майори уругидан эканлигини, баъзилари унинг оилада олтинчи ва охирги фарзанд эканлигини билдиради.

ТАЖРИБА БОШЛАНДИ

Россиянинг биология тадқиқот институтида вазнсизлик бўйича тажриба ўтказиш мақсадида 6 нафар ёш йигит ўз ихтиёрларига кўра 4 ой муддатга бошлари пастга қилиб ётқизиб қўйилди. Ана шундай ҳолатда худди вазнсизликдагидек қон кўкрак ва бош соҳасида тўпланар экан.

ЁВВОЙИ КАСАЛ

Японияниинг Фукуока шаҳрида катта нотинчликлар қўзғаттан ёввойи тог мушуги ушланди. Мутахассисларнинг аниқлашича, жонивор мушуксимонларга оид «Эф-ай» СПИД вируси билан касалланган. Вируснинг бошқа уй ҳайвонларига юқмаслиги ҳам эълон қилинди.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН

Германиянинг Штутгарт университетида ишланган, қуёш энергияси ёрдамида учувчи самолётдан амалда фойдаланиш мумкинлиги тан олинди. Қирқ минут давомида бундай самолёт соатига 120 километр тезликда уча олади.

ММММ ХАБАРЛАРИ

«ЛАҚМА БЎРИ» МАКТАБЛАР САҲНАСИДА

Чортоқ шаҳар маданият уйининг кўғирчоқ театри студияси ижодий жамоаси ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган, «Лақма бўри» деб номланган янги асари шу кунларда тумандаги мактаб саҳналарида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Қувноқ куй ва қўшиқлар, қизиқарли саргузаштлардан иборат ушбу томошани режиссёр А. Азизов саҳнага олиб чиққан. Асосий образларни эса шаҳар мактабларининг ўқувчилари Ҳ. Давлатова, М. Абдураззоқова, Н. Отахўжаев, А. Муродов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ» КИМ?

Илғор тарбиячилар орасидан энг илғорларини танлаб олиш керак. Чортоқ туманининг Алихон қишлоқ клубига тўпланган тарбиячилар, халқ таълими бўлими ходимлари ва оталар икки кун давомида ана шу масалани ҳал қилдилар. Финалга йўлланма учун 5 нафар тарбиячи, ўз билимлари, зийраклик ва чаққонликлари бўйича куч синашдилар. Қизғин баҳслардан кейин 6-боғча тарбиячиси Мамлакат Усмонова биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибга туман халқ таълими бўлими ва ҳомийларнинг пул ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Республика Рассомлар уюшмаси ҳамда «Хамар» халқаро алоқалар маркази томонидан уюштирилган Ўзбекистон ёшлари кўргазмасининг очилиш маросими бўлди.

Кўргазмада хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Бурмакин, халқ рассоми Неъмат Қўзибоев ва бошқа ташриф буюрган меҳмонлар сўзга чиқиб, республикамизда ёш ижодкорларга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Кўргазмада В. Ениннинг «Ёнғоқ», А. Аликуловнинг «Наққош», Виноградовнинг «Шарқ афсоналари», Б. Топиловнинг «Хитой элчилари Темур қабулида» каби асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

МУАЛЛИФЛАР:
С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ў. МЎМИНОВ, З. УСМОНОВ.

ММММ ХАБАРЛАРИ

ФИКР ЛИБОСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

ёхуд болага қоидани эмас, аввало, нутқни ўргатайлик

(Боши 1-бетда).

қилиб ифода этиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий вазифалардан биридир.

Бундан ташқари, барча турдаги матнлар учун умумий бўлган, шу билан бирга ҳар бир турдаги матнларнинг ўзига хос бўлган фикр боғловчи воситалар мавжуд. Биринчи жумладаги от туркумига оид сўзнинг ўрнида иккинчи жумлада олмош ишлатилиши, аммо, лекин, зеро каби зидловчи боғловчилар: шунинг учун, шундай экан каби сабаб — натижани ифодаловчи; бундан ташқари, шунингдек, жумладан, масалан каби қўшимча фикрни боғловчи: биринчидан, иккинчидан, учинчидан каби фикр изчиллигини кўрсатувчи воситалар шулар жумласидандир.

Оғзаки матн тузишда, шунингдек, имо-ишора, оҳанг, эҳе-е-е, вой, ҳа-а-а, А-а-а.. каби ҳис-туйғуни ифодаловчи воситалар, ёзма матнда эса бу воситалар билан бир қаторда тиниш белгилари ҳам жуда катта роль ўйнайди. Фикрни матн тарзида тўғри ифода этиш учун уқувчи ана шулар ҳақида билимларни эгаллашигина эмас, балки уларни қуллаш буйича амалий кўникмаларга ҳам эга булиши керак.

Матнда, юқорида айтиб ўтганимиздек, фикрнинг услубан саводли қилиб баён этилиши, яъни матнда нутқ мақсади ва вазиятига қараб у ёки бу услубга оид сўз ва ибораларнинг қулланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Узбек тили сўз, сўз бирикмалари ва гап даражасидаги бири-биридан услубий жиҳатдан фарқланадиган синонимларга ниҳоятда бой бўлган тилдир. Шу боис уқувчиларда уларнинг ҳар бирини матнининг услубий туригагина эмас, нутқий жанрига нисбатан ҳам тўғри қўллаш буйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш керак. Масалан, сўзлашувда «Бу хотинларнинг иши», дейиш ўрнига «Бу аёллар томонидан бажариладиган ишлар сирасига киради», деб расмий тарзда гапириш гайритабиий ҳолдир. Расмий услубга оид матнларда фикрни ниҳоятда ихчам қилиб ифодалаш, экспрессив бўёқли сўзлар ҳамда ўхшатишларни ишлатмаслик, публицистик услубда эса бу ҳолнинг аксини қилиш кераклиги матнни услуб жиҳатдан саводли қилиб тузиш талабларидан биридир.

Уқувчиларда ўз фикрини турли услубга оид матнлар тарзида баён этиш буйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш учун ҳар бир услубга оид турли жанрларга мансуб матнлар тузиш буйича амалий машқлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, уқувчиларга сўзлашув услуби ҳақида тушунча беришда уларни турли хил вазиятларда оғзаки мулоқотда иштирок этишга, ёзма турда эса шахсий хат ёзишга ўргатиш; публицистик услубда уқувчиларни бу услуб жанрлари бўлган мақола, хабар, интервью каби матн турларини тузишга ўргатиш, расмий услубда расмий хат ва барча иш қоғозларини ёзиш, илмий услубнинг оғзакисида баҳс-мунозара олиб бориш, ёзмасида эса реферат, тезис ва аннотациялар ёзишни ўргатиш керак бўлади.

Фикрни матн тарзида ифодалашда юқорида тилга олинган барча талабларга риоя қилишга одатлантириш ва бу борада зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида уқувчиларни мунтазам равишда машқ қилдириш керак. Бунинг учун дарсликларда ана шундай машқ ва топшириқлар етарли даражада бўлишига эришиш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, бу ишни мунтазам равишда ташкил этишни ўрта таълимнинг юқори босқичи, яъни 10—11-синфларда амалга оширган маъқул. Шунда лисоний билимларни бериш таянч мактабларда, яъни 9-синфда тугатилиб, таълимнинг кейинги босқичида уқувчиларни ижодиётга ўргатиш ҳамда уларни олий уқув юртларида билим олишга тайёрлаш имконияти туғилади.

Бу гоя бизнинг ижодий гуруҳимиз томонидан таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактаб уқувчилари учун узбек тили концепцияси, дастури ва дарсликларини тузишда амалга оширилди. «Тил ва адабиёт таълими» журналининг 1995 йил 3-4-сонларида чоп этилган янги дастурнинг 10—11-синфлар учун мулжалланган учинчи қисми уқувчиларда ўз фикрини матн тарзида ифодалаш буйича кўникмалар ҳосил қилишга мулжаллаб тузилган.

Навбатдаги вазифа бу гояни она тили фанига татбиқ этишдир. Узбек тили анжуманининг тўртинчи йиғинида ана шу масала ҳар томонлама муҳокама қилинади, деган умиддамиз.

Р. ТОЛИПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги тил комиссиясининг аъзоси, профессор.

ИСТЕЪДОДЛАР — ЭЛ БОЙЛИГИ

Ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир миллатнинг ривожланиши, юксалиши, келажаги унинг униб-ўсиб келаётган ёш авлодига боғлиқдир. Шундай экан, бугунги кундаги ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, тарихимизни, маънавиятимизни чуқур ўргатиш, қолаверса, етук, Ватанимизнинг чинакам ўғлонлари қилиб етиштириш ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифасидир. Шунинг учун бугунги кунда таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида турли хил ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фанлар бўйича ўтказиладиган шаҳар, вилоят, республика олимпиадаларига ҳам эътибор кучайтирилган.

Ана шундай олимпиадалардан бири Янгийўл шаҳрида Тошкент вилояти ўқувчи-лари олимпиадаси бўлиб ўтди. Фанлар бўйича ўтказилган ушбу олимпиадада шаҳар, туманлардан чиққан ғолиб ўқувчилар қатнашишди. Байрамона кайфиятда ўтган олимпиадада Ангрен шаҳрининг ўқувчилари фаол иштирок этиб, шаҳримиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Вилоят олимпиадасида шаҳардан ўқувчилар қатнашиб, шу ўқувчилардан 6 нафари биринчи ўринни, 5 нафари иккинчи, 3 нафари учинчи ўринларни эгаллашди.

Иномали ЯВМИТОВ,
Ангрен ўзбек-турк лицейи ўқувчиси.

ЯНГИЛИКЛАР МЕНИ ҚУВОНТИРАДИ

Суҳбатдошим Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси биринчи тоифали назоратчиси, халқ таълими аълочиси Мукамбар Азимова. У 1947 йил 7 февралда Тошкентда туғилган. 1961 йилда 141-мактабнинг 7-синфини тугатиб, мактабгача тарбия педагогика билим юртида ўқиган. 1964-1970 йилларда Тошкент давлат университетининг филология факультети кечки бўлимида ўқиш билан бирга кундузи ўрта мактабда дарс берган. 1980-1990 йилларда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлаган.

— Мукамбар опа, суҳбатимиз аввалида ўқитувчиликка қизиқишингиз қандай уйғонганлиги ҳақида гапириб берсангиз...

— Эсимда, 6-синфда ўқиб юрганимда директоримиз Абдужаббор Зиёдов фаол ўқувчиларнинг ота-оналарини йиғилишга таклиф этдилар. Онам ҳам йиғилиш ўтадиган Навоий театрига бориб келиб, «Раҳмат қизим, яхши ўқиганинг учун шундай чиройли жойларни бориб кўриб келдим, яна ҳаракат қил, ўқи» деб дуо қилдилар. Фарзандлар тарбиясидан ортиб бирор жойга боролмаган онам Навоий театрини биринчи марта кўрган эдилар. Ўшандаёқ илк ҳаваслар уйғонганди. Педагогика билим юртида ўқиб юрганимда 35-сонли болалар боғчасида амалий машғулотлар ўтардик. Дўмбоқ, тиллари чучук болажонларни жуда севардим. Уларга шеърлар ўргатардим. Қизиқарли китоблар олиб келиб ўқиб берардим. Адабиётга бўлган ҳавас мени дорилфунунга етаклади. Кейин ўзим ҳам бошланғич синфларда дарс бердим. Биласизми, ўқувчиларнинг ёниб турган кўзлари, бийрон жавоблари мени илҳомлантирарди. Ҳар куни нимадир янгилик топиб келишга ундарди. Адабий тўгараклар шеъриятга қизиқиш уйғотган бўлса, болаларни севишим эса ўқитувчиликка муҳаббат уйғотди.

— Мукамбар опа, 10 йилдан ортиқ ХТБда услубчи бўлиб ишлагансиз. Унда нималарга кўпроқ эътибор бердингиз?

— Ишни ижодкор ўқитувчиларни излашдан бошладим. Негаки, бир ўзим ҳеч қандай иш қилолмасдим. Шу мақсадда мактабларда тез-тез семинар ва анжуманлар ўтказиб турдик. Натижада Феруза Қодирова (29-мактаб), Муҳаббат Расулова (24-мактаб), Дилором Турсунхўжаева (23-мактаб), Мавжуда Қўзибоева (165-мактаб), Гофир Азимов (марҳум), Оромжон Тошпўлатова (28-мактаб), Малика Иноғомова (249-мактаб) каби фидойи ва моҳир устозлар иш тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилди. Намунали дарслари жамланиб китобча қилиб тарқатилди. Уларнинг маслаҳати билан «Ёзувчи дарслари» ташкил этдик. 1-мактабда Мирмуҳсин, 219-мактабда Муҳаммад Али синфга кириб дарс ўтганларида, ўқувчилар юзи қувончдан порлаб кетгани ҳануз кўз ўнгимда. Биз нафақат ёзувчилар, балки санъаткорлар, рассомлар дарсларини ҳам ташкил этгандик. Ҳамза театрининг етук актёрлари бир неча бор мактабларимизга ташриф буюришган. Шунда ўқувчиларнинг санъатга, тасвирий санъатга қизиқишлари кучайган. Балки шу учрашув «Ёзувчи дарслари»дан илҳомланганликлари туфайли ўқувчиларимиз Элмира Раҳматуллаева, Дилфуза Қодирова, Шоира Маҳкамовалар эл назарига тушгандир.

— Албатта, «Ёзувчи дарслари»нинг аҳамияти катта эканини ҳозир ҳам амалда кўриб турибмиз. Халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўқитувчилар уйида ташкил этилаётган учрашувлар ҳам бизга манзур бўлмоқда. Аммо кейинги вақтда бундай учрашувлар камайиб қолди. Иккинчидан, ҳамманинг ҳам бу тадбирда қатнашиш имкони йўқ. Шундай экан, туман услубчилари, айниқса, марказгилар, сизлар бошлаган бу анъанани давом эттириб, «Ёзувчи дарслари»ни яна тикласалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Энди икки оғиз «Ижодкор ўқитувчи» танловлари ҳақида тўхталиб ўтсак...

— Маҳмудахон, ўзимиз ҳам ижодкор ўқитувчилар республика анжуманида қатнашганмиз. Ёдингизда бўлса, Сирдарёдаги анжуман жуда чиройли ўтганди. Жўра Йўлдошев, Ўткир Ҳошимовнинг жон куйдириб гапирган нутқлари бизга сабоқ бўлди. Ҳар йили ўтказилаётган бу анжуман туфайли адабиётимиз янги номлар билан бойиди. Олис қишлоқ мактабларининг оддий ўқитувчиларидан бир нечаси Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлдилар. Шеърлари китоб ҳолида чоп этилди. Бу албатта, яхши.

— Таълим тизимидаги, ҳаётимиздаги қандай янгиликларни юқори баҳолайсиз?

— Она тилимизга давлат мақоми берилган кун ҳаётимда унутилмас санага айланган. Ўзим рус тилида фикримни эркин баён қилолмаганимдан ўксинган, ўзимни камситилгандек ҳис этган вақтларим кўп бўлган. Энди она тилимизнинг бутун гўзаллиги, имкониятларидан фойдаланиб, бурро, чиройли сўзлай олиш имкониятига эга бўлдик. 1989 йил хали Давлат тили ҳақидаги Қонун кўрилаётганда, А. Авлоний номли ХТХМОМИ «Ўзбек, жаҳон тиллари ва адабиёти» кафедраси билан ҳамкорликда «Истиқбол» дастурини ишлаб чиққандик. Бу дастур 49 бандан иборат эди. Дастурга кўра Собир Раҳимов туманида она тили, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўрганишга қўшимча соатлар ажратилган эди. Бу дастурни туман ҳокимияти ҳам маъқуллаб, қўшимча дарслар учун маблағ ажратган эди. Шундан сўнг ХТББ да ҳам Давлат тили ҳақидаги Қонунни ҳаётга тадбиқ этишдаги муҳим ишларни амалга оширишга киришдим. Тез-тез рус мактабларида бўлиб тураман, уларнинг ўзбек тилидан ўтадиган олимпиадаларида, тадбирларида қатнашаман. Ҳар йили Ўзбек тилига Давлат мақоми берилган кунни барча ташкилотларда кенг нишонланишига алоҳида эътибор бераман. Бу борадаги илғор тажрибаларни ойнаи жаҳон ва радио орқали тарғиб этиш, ижодкор ўқувчиларни «Нурли келажак» видеоканали орқали танитиш — доимий вазифам. Мактабларда бўлиб, қарор ва буйруқлар қандай ёзилаётгани, Давлат тили ҳақидаги Қонунга эътибор қандай бораётгани билан танишиб турамиз.

Таълим тизимидаги янгиликлар мени қувонтиради. Дейлик, бу йил банк синфлари очилди. Йилдан йилга янги типдаги мактаблар, гимназиялар, олий ўқув даргоҳлари қошида лицей синфлар ташкил этилиб, улар сони ошиб бормоқда.

— Суҳбатимиз сўнггида ўқитувчиларга тилакларингизни эшитсак...

— Президентимиз И. А. Каримов маърифат ва маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Истардимки, ўқитувчиларимиз қуёшдек чарақлаб турса. Қуёш нуридан бахраманд бўлган жамики мавжудот ўсиб, гуркираб кетганидек, устоз илми, меҳридан ҳам ёш авлодларимиз қалбига эзгулик уруғи тушиб, камол топса. Ўқитувчидан маърифат нури ёғилиб турса, маънавияти бой бўлса.

Суҳбатдош М. ВАЛИЕВА.

Изоҳ: М. Азимова бўш вақтларида бадиий ижод билан шуғулланар экан. Унинг қаламига мансуб шеърлар 4-саҳифамизда.

Кўрик-танлов

ОНА ТИЛИМ — ҒУРУРИМСАН, ФАХРИМСАН!

Болалик — беғуборлик, болалик — гўзаллик, болалик тиниқ осмон... Ҳа, болаликни оламдаги барча яхши нарсаларга менгзагим келади. Айниқса, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Муқимий номли 154-мактабда бўлиб ўтган ажойиб кўрик-танловдан олган таассуротларим менга ҳам қувноқ ва шўх болалигимни, қадрдон мактабимни эслатди.

Сирасини айтганда, «Она тилим — ғуруримсан, фахримсан!» деб номланган бу кўрик-танловга 7-«А», 7-«Б», 7-«В» ҳамда 7-«М» синф ўқувчилари ўзгача тайёргарлик билан келганлиги устоз ва томошабинларни мамнун этди. Улар тайёрлаган куй ва қўшиқлар, саҳна кўринишлари, ажойиб шеърлар барчага бир олам завқ бахш этди.

Кўрик-танлов шарти бўйича Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Муқимий, Абдулла Қаҳҳор каби оташнафас адибларимизнинг ҳаёти ва ижодига доир саволларга ўғил-қизлар бийрон-бийрон жавоб қайтардилар, уларнинг асарларидан намуналар ўқидилар. Ҳайъат аъзолари томонидан берилган тил ҳақидаги саволга ҳам ҳар бир команданинг сардорлари ўзига хос жавоб ҳозирладилар.

Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, зукколарнинг ҳам зуккоси бўлади. Қизғин савол-жавобларга бой ўтган бу кўрик-танловда махсус синф — 7-«М» синф ўқувчилари ғолиб деб топилди. Улар ўз жавоблари билан она тилимиз тарихини мукаммал ўрганишга интилаётганликларини, ҳар бир ўқувчи ўзбек тилини яхши ўзлаштираётганлигини намойиш этдилар.

Ғолиблар ўз командалари номини «Ҳумо» деб аташибди. Ва унга шундай таъриф беришди:

Байроғимиз мовий ранг,
Кўзлар қамашар қаранг!
Бу — эзгулик, бу само,
Сокин парвозда Ҳумо.
Олиб келсин бизга бахт,
Тинчлик-омонлик фақат.
Қушлар ичра бебаҳо,
Парвози баланд, Ҳумо!

«Ҳумо» командасининг баланд парвозида уларга синф раҳбарлари Қурбоной Габитова ва моҳир педагог Дилмурод Мирзаевлар кўмак бердилар. Ҳа, чиндан ҳам «Ҳумо» командаси аъзолари ўз устозлари ишончини оқлашди. Шунингдек, улар барчага хуш кайфият улашишди ҳамда ўзлари исташса ва ҳаракат қилишса, ҳамма нарсага қодир эканликларига ишонишди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлиги

БАРИ ИНСОН СОҒЛИҒИ УЧУН

Ҳозирги вақтда кўпгина соҳаларда бўлганидек, тиббиётда ҳам чет давлатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилмоқда. Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ҳам мана тўрт йилдирки, Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳридаги Иллинойс университети билан ҳамкорлик қиляпти. Бу ҳақда институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовини, профессор Ўрол Обилов шундай дейди:

— Институтимиз 1992 йил декабрь ойида Америкадаги халқаро Соғлиқни сақлаш иттифоқи иштирокида Иллинойс университети билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимга имзо чекди. Мазкур университетдан ташриф буюрган олимлар Ўзбекистондаги мавжуд тиббиёт муассасаларини, олий ўқув юртлари базаларини бориб кўрган пайтда фақат Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг даволаш клиникаси уларнинг талаб-истакларига мос тушди. Институтимиз Чикагодаги университет билан халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи миқёсида иш олиб бориш талабига тўғри келадиган жой деб ҳам эътироф этилди. Бу битимнинг асосий мақсади Иллинойс университети госпитали билан клиникамиз ўртасида тиббиёт соҳасида бўлаётган илмий текшириш, ўқув-тарбивий ва энг муҳими, даволаш ташҳис ишларини яхшилашдан иборатдир. Албатта, бу кенг қамровли дастурни ўз ичига олади. Буни амалга ошириш учун институтимиздаги барча имкониятларни излаб кўраяпмиз. Чунки халқаро миқёсда олиб борилаётган ҳар қандай ишнинг кўлами халқимиз саломатлигини асрашга, соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш фаолиятини яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, тиббиётнинг турли соҳалари бўйича даволашнинг янги ташҳис қўйиш йўлларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, унинг ютуқларини шифохоналарда ҳам қўллаш. Иккинчидан, таълим тизимини такомиллаштириш мутахассислар тайёрлаш бўйича Америкадаги янги усул ва технологияларни ўрганиб, ўзимизда татбиқ этиш. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишимиз муносабати билан, бу борада худди шундай сиёсат йўлга қўйилган мамлакат шифохоналаридаги тажрибаларни клиникамизда қўллаш, соғлиқни сақлаш бўйича бошқариш усулларини амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Ўтган тўрт йил мобайнида 2-ТошМИнинг 35 нафар профессор-ўқитувчилари, шифокорлари, ўрта махсус маълумотли табиёт ходимлари Иллинойс университетида ва унинг шифохоналарида ўз малакаларини ошириб қайтишди. Шу билан бирга ўша университетнинг 40 дан ортиқ илмий ходимлари Ўзбекистонга келишиб, турли семинар ва конференциялар ўтказишди. Биргаликда жарроҳлик ишлари амалга оширилди. Институтда таълим тизимини янгилаш юзасидан улар ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришди.

Яна шуниси аҳамиятлики, икки киши олти ой давомида Иллинойс университети шифохонасида асаб жарроҳлиги соҳаси бўйича иш ўрганиб қайтди. Ҳозирги кунда улар асаб жарроҳлиги маркази ташкил этиш билан шуғулланаяптилар. Яқинда институт ректори, профессор Ҳамид Каримов раҳбарлигида институтнинг 7 кишидан иборат делегацияси Америкада сафарда бўлиб қайтишди. Улар у ерда университет раҳбарлари билан учрашиб, тўрт йил давомида қилинган ишларни сарҳисоб этишди. Бу ҳамкорликни янада равожлантириш тўғрисида америкалик ва ўзбекистонлик олимлар фикрлашиб олдилар.

Дарвоқе, эндиликда фақат профессор-ўқитувчиларгина эмас, балки аълочи, чет тилида гаплаша оладиган талабаларни ҳам мазкур ўқув юртига ўқишга юбориш ҳақида фикрлар ўртага ташланмоқда.

2-ТошМИ илмий жамоатчилиги Иллинойс университетининг катта ва жуда бой кутубхонасидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Уларда «Ориэл» дастури мавжуд. Уни ўрганишга, китоблардан фойдаланишга электрон почта хизмат қилмоқда. Бу эса камёб дарсликлар муаммосини ҳал қилишда муҳим воситадир. Америкада бўлиш мобайнида 2-ТошМИ ректори, профессор Ҳамид Каримов Халқаро Соғлиқни Сақлаш иттифоқининг конференциясида иштирок этиб, тиббий таълимдаги ислоҳотлар тўғрисида маъруза қилди. Унинг чиқиши ижобий баҳоланди. Халқаро Соғлиқни Сақлаш иттифоқининг раҳбари жаноб Жим Смит АҚШ ва Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув даргоҳларининг алоқасини «Энг яхши ҳамкорлик» деб баҳолади. Бу анжуманда собиқ СССРнинг бошқа республикаларидаги тиббиёт олий ўқув юртлари ва шифохоналаридан ҳам вакиллар иштирок этганини ҳисобга олсак, жаноб Смитнинг бу баҳоси ўзбекистонликлар учун ютуқдир.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ суҳбатлашди.

СО КОН И — ТДШИ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ

Жаноб Со Кон Ига ушбу фахрий унвоннинг берилиши бежиз эмас. Чунки у Ўзбекистонда элчи бўлиб ишлаётган йилларда иқтисодиёт, сиёсат ва маданият соҳаларида мамлакатимиз билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қушган. Мазкур институтнинг кореяшунослик факультетини оёққа турғизишдаги унинг саъй-ҳаракатлари ҳам мақтовга лойиқ. Талабаларга 20 минг долларлик уқув ва услубий қулланмалар, компьютерлар совға қилинди.

Шунингдек, Со Кон И мадади билан узбекистонлик уқитувчи ва талабалар Жанубий Кореянинг энг яхши олий уқув юртларида тажриба орттирмоқда. Сеулдан келган олти нафар уқитувчи эса институт талабаларига маърузалар уқишмоқда.

Мухбиримиз.

Тақриз

НАФИ БЎЛСА ҲАР НАРСА ЯХШИ

Қачонлигини билмайман-у, бир донишманд деган экан: Ҳикматдан 40 дафтар ёздим, лекин ҳеч қандай фойда кўрмадим. Шундан кейин ундан 40 сўзни танлаб олдим. Бунинг ҳам нафи тегмади. Охири тўрт сўзни танлаб олдим. Фойдаси тегди.

Менинг бу ёзганларимни ўқувчи, сизларга юқоридаги қиссадан бир ҳисса айтайми? Унда қулоқ беринг.

Келажаги буюк давлатимиз ҳар томонлама равнақ топаётган ушбу дақиқаларда тезроқ жаҳон саҳнасига чиқиш йўлида барча жабҳаларда тинимсиз саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Дейлик, таълим тизимида бу йилдан бошлаб лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини барча таълим-тарбия масканларига кириб бориши ҳам биз айтган саъй-ҳаракатларнинг битта кўриниши. Шундай экан, тезроқ бу ёзувнинг ҳам сир-асрорларини ўрганиб олайлик. Борди-ю, ўзингиз ёки болангиз қийналаётган бўлса, бу мушкулни ҳал қилиш осон. Қандай қилиб демоқчимисиз? Марҳамат, «Кичкинтойлар алифбоси»ни олиб ўқиб кўринг. Бу қўлланма сиз ўйлагандан ҳам анча мукаммалроқ ва ўрганишга осонроқ.

Қўлланма (муаллифи Эркин Валиев) 1996 йилда Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида таниқли олим Йўлдош Абдуллаев муҳаррирлиги остида нашрдан чиққан.

Мазкур китобчанинг эътиборли томони шундаки, болангиз алифбони қийналиб ўқиб ўрганмайди, балки масза қилиб ўйнаб ўрганади. Бунинг учун китобча ичида тўлиқ шарт-шароит ҳозирланган. Яна шуни айтиш мумкинки, қўлланмани ўқиш жараёнида бола руҳиятига тез муҳрланиб қоладиган манзаралар, шакллар пухта ва моҳирона ўйлаб топилган.

Сирасини айтганда, сизга қўлланмадан қандай фойдаланиш хусусида ҳеч нарса айтолмаймиз. Негаким, китобчани олсангиз бас. У сизга ўзидан қандай фойдаланиш кераклигини ўзи айтади. Агар гапимизга шубҳангиз бўлса, қўлланманинг биринчи бетига диққат қилинг. У ерда барча ўқиш ва ўқитиш қоидалари ёзиб қўйилган.

Дарҳақиқат, юқорида айтган донишманддек қирқ дафтар ёзманг, лотин ёзувини ўрганиш учун 40 та китоб сотиб олманг. Аввалида, битта китоб сотиб олинг, холос. У ҳам бўлса, «Кичкинтойлар алифбоси» бўлсин. Албатта, унинг нафи тегади.

Алишер НАЗАР.

BESHINCHI MASHG'ULOT

Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувини ўрганамиз

F f (Ф Ф)

F f — лотинча босма шакли. Кириллчада босма шакли — Ф ф. Талаффузда ef деб айтилади. Жадвалдаги тартибига кўра, лотинчада бешинчи ва кириллчада йигирма иккинчи ўринни эгаллайди.

Бу ҳарфнинг сўз ичида ва гапда берилиши қуйидагича:

Fan — фан, bel — бел, ulfat — улфат, fidokor — фидокор, faol — фаол, futbol — футбол, fayz — файз, insof— инсоф, fursat — фурсат, faqat — фақат.

Zulfiya Farg'onada yashaydi — Зулфия Фарғонада яшайди. Farhod fabrikaning faol ishchisi — Фарҳод фабриканинг фаол ишчиси. Furqat, Dilfuza va Yusuflar futbolga bordi — Фурқат, Дилфуза ва Юсуфлар футболга борди.

Вазифа: юқоридаги машғулотлар бўйича ҳар бир шаклга уч-тўрттадан намуна ёзиб келинг. Вазифани бажаришда ҳарфнинг алоҳида ёзилиши, сўз ва гап ичида ўзаро қўшилиб ёзилишига хос хусусиятларни ҳамма вақт ёдда сақланг.

G G (Г г)

G g — лотинчи босма шакли. Кириллча босма шакли Г г. Талаффузда ge деб айтилади. Лотинча алифбода олтинчи ўринда, кириллчада тўртинчи ўриндадир.

G g ҳарфининг қўлланилиши қуйидагича:

Gul — гул, go'zal — гўзал, ega — эга, bigiz — бигиз, gugurt — гугурт, tugun — тугун, bugun — бугун, gulbarg — гулбарг, Gulnora — Гулнора, Gulchehra — Гулчеҳра, go'sht — гўшт.

Tilga ixtiyorsiz — elga e'tiborsiz — тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз, Gullar ochildi chaman-chaman — гуллар очилди чаман-чаман, Go'zal o'z baxtiga ega boldi — Гўзал ўз бахтига эга бўлди. Nargiza bog'dan gul terib, Gulnozaga berdi — Наргиза боғдан гул териб, Гулнозага берди. Bulbul gulning shaydosi — булбул гулнинг шайдоси. Gulnora, Dildora va Dilshodalar bir sinfda o'qiydi — Гулнора, Дилдора ва Дилшодалар бир синфда ўқийди.

Вазифа: юқоридаги машғулотлар бўйича ҳар бир шаклга уч-тўрттадан намуна ёзиб келинг. Ёзилган мисолларда қўшиб ва ажратиб ёзиш ҳолатлари доим диққат-эътиборингизда бўлсин.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

«ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА»

(Боши 1-бетда).

лий — Ш. В.) томонидан 95 ҳижрий (715 мелодий) йили қурилди. Шу йили Дамашқда Бани Уммия жомеъ масжидини ҳам қуриб битказдилар.

«Рабиъ ул-Аброр» китобида, бу асарнинг муаллифи «Кашф» китобини ёзган киши (Абулҳоким Маҳмуд бини Умар бини Муҳаммад бини Умар аз-Замахшарий) булади, шундай ёзган: Ҳадисда келганки, Жабраил алайҳиссалом қиёматда биринчи турадиган шаҳарларни зикр қилди. Ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи вассаллам дедилар, ё Жабраил бу шаҳарларнинг номини айтгин. Жабраил алайҳиссалом дедилар: — Бу шаҳарларнинг номи арабчада Қосимия, форс тилида Яшгурд, иккинчисини араблар Самарон, форсчада Самарқанд, учинчисини араблар Фохира, форс тилида Бухоро дейдилар. Расуллуллоҳ алайҳиссалом дедилар: ё Жабраил, нима учун Фохира дерлар, жавоб булдики, «Қиёмат куни Бухоро бошқа шаҳарлардан узининг кўп шаҳидлари билан фахр ва фарқ қилиб туради». Расуллоҳ дедилар: Илоҳо фахр билан барака бер, тақво билан қалбларини пок этгин, умматларим орасида уларнинг амаллари ва ҳакамларига раҳм билан ором бергин.

Шунинг учун ҳам бухороликлар машриқдан мағрибгача узларининг раҳмдилликлари ва покликлари билан машҳур бўлганлар.

«Тарихи жаҳонкушой» китобида шундай ёзилган: Бухоро қуббат ул-исломнинг (Марвнинг) шарқ улкаларидан бири бўлади, уша туманлар ислом шаҳарларидандир. Бухоро тарихи фақиҳлари ва уламолар номлари билан ораста булган. Қадимдан Бухоро олимлар ва ҳар хил дин намояндаларининг жойи бўлган. Бухоро сўзи муғлар тилида «Мажмаи илм» (Илмлар жойи) демакдир. Бу лафз уйғур ва хитой бутпарастларининг тилига яқин, улар ибодатхоналарини «Бухор» дер эканлар. Аслида шаҳарнинг номи Лумижкат (Нумижкат) экан. «Ахбори Бухоро» китобининг муаллифи Абубакр Муҳаммад бини Жаъфар Наршахийким, Абу Муҳаммад Нуҳ бини Наср Сомоний даврида яшаб, асарини ҳижрий 337 (мелодий 958) йили ёзган эди, шундай деган: Ҳасан Басрий тобеинлардан бўлади (Ҳижрий 21, мелодий 642 йили таваллуд топган. 89 йил умр кўрган, Басра шаҳрида 110 йил 5 ражаб ойида вафот этган — Ш. В.). Разияллоҳу анҳу дейди: Аюб пайғамбар алайҳиссалом Бухорога келганларида Бухоро аҳли уларни яхши меҳмондорчилик билан кутиб олдилар. Аҳли Бухорога улар дуойи баракат бердилар.

Ваҳоб бини Мунаббиҳ (Абу Абдуллоҳ Ваҳаб бини Мунаббиҳ ал-Ямоний ас-Санъоний форсий асл тобеинлардан бўлади. Тарих илмида машҳур бўлган. 26 ҳижрий йили таваллуд топиб, 115 йили вафот этган — Ш. В.) Разияллоҳу анҳу ёзадики, Бани Исроил пайғамбарларидан бири Аллоҳ таолодан ер юзини айланиб чиқиш учун ижозат сурадилар. Ҳақ субҳонаҳу уларга ижозат берди. Сафар чоғида улар Жайҳун (Аму) дарёси бўйига етиб келдилар, сол ясаб сувдан ўтдилар. Бухорога келдилар. Аҳли Бухоро уларга иззат ва икром кўрсатиб, меҳмон қилдилар. Улар аҳли Бухоро ҳақига дуо қилдилар.

«Аллоҳумма борик лаҳум фи наслиҳим ва ансарихим ала адувахим ва боид ал-фитната анҳум» (Аллоҳимиз улар ва насларига барака бергин, душманлари устидан нусрат бер ва фитнани бошларидан узоқлаштир).

Абдуллоҳ бини ал-Муборак (Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ бини ал-Муборак ал-Марвазий, имом. Имоми Аъзам Абу Ҳанафиянинг шогирди — Ш. В.) разияллоҳу анҳуда шундай нақл бор. (Иккинчи дуо қуйидагича): «Йззан ҳожат алфитнанат фаалайкум би Бухоро фа инкалфитната ло тадаввалис биҳо».

Имом ва муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бини Аҳмад бини Муҳаммад бини Сулаймон Комил ал-Бухорий ал-Варрок Гинжор ал-Ҳофиз, Аллоҳ уни раҳмат қилсин. «Бухоро тарихи»нинг муаллифи ва Асбот бин Ясиъ айтадиларки, Аюб алайҳиссаломнинг мунаввар мозори Бухоро шаҳрининг маълум ва машҳур қадамжойига айланган-дир. Шуни ҳам айтиб ўтганларки, мозорнинг қишин-ёзин кўкариб турадиган бир дарахти бор. Бу дарахтнинг тагида бир булоқ булиб, бу булоқ жаннат булоқларидан ҳисобланади. Дарахтнинг барглари санжид дарахтининг барглари-га ўхшайди. Аммо бизга маълум ҳақиқат шулким, Аюб алайҳиссаломнинг қабри Бухорода эмас.

Имоми муҳаддис Имом Муҳиддин Нававийдан (Аби Закариё Муҳиддин бини Шариф ан-Нанавий ҳижрий 676 йили вафот этган — Ш. В.) Аллоҳ уни раҳмат қилсин, мўътабар бир нақл бор. У «Таҳзиб ул-усамо ва ал-луғот» китобида ёзишича, Аюб алайҳиссалом Ҳаврон вилоятида яшаган, қабри Навий қишлоғининг яқинида, қишлоқнинг масжиди ҳам уша ерда. У босиб ўтган тошлари ичидан булоқ оқади. Айтишларича, одамлар унинг сувида чўмиладилар, сувидан ичадилар. Дейдиларки, булоқ ҳақида Қуръонда ҳам зикр этилган.

ҚАБРНИ ЗИЁРАТ ЭТИШ ОДОБИ

Ислом шариати ва суннатида қабристонларни зиёрат этиш учун аввал таҳорат олиниб, икки ракаат намоз ўқилади. Намозда «Фотиҳа» сурасини ўқиб, «оят ул-курсий»ни ўқийди, уч марта «Ихлос» сурасини ўқиб, савобини улганларга бахшида этади. Кейин зиёратчи қабр рупарасида туриб, дейди: Ассалому алайкум аҳли диёр мин-ал муслимин вал-мўъминин раҳималлоҳу ал-мутақаддимин минкум вал-мутаахирин минно-антум лано салафун ва наҳну лакум халафун ва табаа ва ано иншооллоҳ бикум лоҳикуна». Сўнг қабр олдида сўзламасдан «Ёсин» сурасини ёки Қуръондан оятлар ўқийди.

Дин уламолари ва аҳли яқин улуғлари қабрларнинг зиёрати суннатдир, деганлар. Жумъа кунининг охирида, шанба, душанба, пайшанба кунлари қуёш чиқмасдан олдин зиёратга борса, мустаҳаб бўлади. Ашур ойида, арафа кунларида зиёрат этиш ҳам ҳадисларда келган.

Расулуллоҳ саллаллаҳи алайҳи васаллам буюрганлар: «Ўтганларни зиёрат қилинглар, чунки улар зиёрат этувчиларни дўст тутадилар».

Бир одам расулуллоҳга қалби қаттиқлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ буюрдиларки, уч амал билан юракни юмшатиш мумкин:

биринчиси етимлар бошини силаш; иккинчиси хаста ва беморларни бориб кўриш; учинчиси ўтганларни зиёрат қилиш.

Ҳадиси шарифда келганки, кимки ота-онасини ҳар ҳафта ёки баъзан зиёрат этса, ҳаж савобини беради, ўлимидан кейин унинг қабрини фаришталар зиёрат қиладилар.

(Давоми бор).

МАКТАБДАГИ СУҲБАТ

Яқинда Миробод туманидаги 110-ўрта мактаб меҳмону мезбонлар билан гавжум бўлди. Нега дейсизми? Чунки мактабда шу куни «Маънавиятнинг нурли йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази ҳамда байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилиб, унда севимли шоирамиз, маънавият ва маърифат марказидан Турсуной Содиқова, байналмилал маданият марказидан Муножатхон Нурматова ва тарихчи Азамат Зиёлар иштирок этишди. Нафақат булар, балки Миробод тумани халқ таълими ходимлари, туман хотин-қизлар бўлими ходимлари, қўйингки, кўпчилик халқ таълими фидойилари ҳам ушбу давра иштирокчилари бўлишди.

Қизиқарли ва мазмунли давра суҳбатида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан берилган миллийлик, маънавият, дин ва бошқа мавзулардаги саволларга атрофлича жавоб берилди. Айниқса, Т. Содиқованинг дилрабо шеърлари ўқувчи ва муаллимлар олқишига сазовор бўлди.

— Мактабимизда «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилгандан сўнг бир қатор амалий ишлар қилинди. Айниқса, 9, 10, 11-синфлар ўртасида ўтказилган иншолар танлови яхши натижа берди. Бу танловда 9-«А» синф ўқувчиси Ҳилола Жумаева биринчи ўрин соҳибаси бўлди, — деди мактаб директори С. Ёқубжонова.

Мактабдаги ушбу давра суҳбатига туман халқ таълими бўлими мудири М. Абдурасулов якун ясаб, ташриф буюрган барча иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Х. АШУРОВА,
110-мактаб ўқитувчиси.



Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 19-ўрта мактабнинг химия фани ўқитувчиси Доно Алимова ҳам юзлаб, балки минглаб болаларга маърифатнинг йўлини кўрсатган заҳматкашлардан.

Доно Алимова машғулотларни назария билан амалиётни узвий боғлаган ҳолда ўтаётганлиги туфайли ўқувчиларнинг мазкур фанга қизиқишлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

СУРАТДА: Д. Алимова навбатдаги мавзуни 8-синф ўқувчиларига тушунтираётган он акс эттирилган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«Маърифат» анкетаси

ЯНГИЛАНГАН ТАЪЛИМ ЙЎЛИДА

Азиз ўқитувчилар, газетамизда устоз муаллимлар маслаҳати ва таклифи билан ўзига хос сўров ўтказишга қарор қилдик. Сўровимиздан асосий мақсад янгича педагогик технологияни ўзлаштирган, яъни мустақил юртимиз таълимида ўзига хос янгилик яратишга ҳаракат қилаётган ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг иш услубини тарғиб қилишдир.

Анкета саволларига юборилган жавобларни малакали мутахассислар гуруҳи кўриб чиқади ва уларнинг 3 та — энг сарасини газетамизда эълон қиламиз. Лозим топилганда уларнинг иш услублари жойларга бориб кўрилади.

Мазкур анкетамиз саволларига жавоб беришни кимё фани муаллимларидан бошлаймиз, яъни илк сўровимизда фақат кимё фани ўқитувчилари қатнашишади. Келажакда бошқа фан муаллимларини ҳам сўровимизга таклиф этамиз. Газетани кузатиб боринг.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Маълумингизким, Республикамизда таълимни ислоҳ этишга киришилди. Шу муносабат билан Сиз фанингизда нимани қолдириб, нималардан воз кечдингиз? Ўқув жараёнига қандай янгиликларни олиб кирдингиз? Маҳаллий ҳудуд — қишлоқ, туман, вилоят шароити материалларидан қандай фойдаланяпсиз?

2. Қайси янги услубларни кенг жорий этдингиз. Услубингизнинг сир-асрори нимада? Пировард натижалар қандай бўлади?

3. Кимё — экспериментал фан. Сиз қандай экспериментлар ўтказиб, дарсингизда фойдаландингиз? Унинг натижалари қандай бўлди?

4. Қўлланилаётган дастур, дарслик ва қўлланмаларга муносабатингиз — таклиф ва мулоҳазаларингиз.

5. Бўш вақтингизда кўпроқ нима билан шуғулланасиз?

6. «Маърифат» газетасига муносабатингиз? Унинг иш фаолиятингиздаги роли?

ИЗОҲ: жавобларни қабул қилиш муддати — 25 кун. Анкета саволларига жавоб билан бирга 4х6 ҳажмдан кичик бўлмаган суратингиз ва манзилгоҳингизни ҳам тўлиқ ёзиб юборишингизни сўраймиз. Қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Анкета сўровига жавоб, деб ёзинг.

Янгича усул

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Олий ўқув юртларига қабулнинг тест усули билан ўрта умумтаълим мактабларидаги беш балли системанинг бир-бирига тўғри келмай қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги маориф тизимига янги педагогик технология — таълимнинг тест-рейтинг усулига ўтиш талабини қўйди.

Бу ишга Жиззах вилоятидаги Бахмал тумани маорифчилари ҳам биринчилардан бўлиб киришдилар. Аввало, туман халқ таълими бўлими мудири С. Мирзабеков етакчилигида таълимнинг тест-рейтинг усулига ўтиш борасида аниқ тадбир, пухта режа тузиб олинди. Туман халқ таълими бўлими услубчилари ва тумандаги энг нуфузли мактабларнинг илмий бўлим мудирлари аллақачоноқ таълимнинг тест-рейтинг усулига ўтган вилоятдаги илғор тажриба мактабларига жўнатилди. Туманда биринчи бўлиб И. Қўйлиев номидаги 8-мактаб жамоаси ушбу янги технологияни ўз дарсларида жорий эта бошлашди. Мактабда ана шу мавзудаги семинар ўтказилди. Семинарга тумандаги барча мактаб раҳбарлари таклиф этилди.

Амалий машғулотлардан сўнг мактаб директори Т. Мамадалиев илм масканида тест-рейтинг усулига ўтиш осон кечмаганлиги, 400 дан ортиқ ота-оналарни тўплаб, уларга шу усул ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилганлиги, тест-рейтинг усулига бағишлаб бир неча кўргазмалар тайёрланганлиги, ўқувчи-ўқитувчилар узоқ муддат мобайнида шу усулга психологик жиҳатдан тайёрланиб борилганлиги хусусида гапирди.

Илмий бўлим мудири Х. Узоқов, 44-мактаб директори Н. Мирзалиев, вилоят малака ошириш институтининг ходими Юсуф Сайдиёровлар ҳам таълимнинг тест-рейтинг усули хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар барча мактаб раҳбарлари учун ғоят фойдали бўлиб, янги ўқув йилидан бошлаб барча мактабларнинг юқори синфларида янги усулга ўтишга келишиб олинди.

С. ТУРДИБЕКОВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Бошланғич таълим ўқитувчиларига ёрдам

БИРИНЧИ СИНФДА ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ

7-8 дарслар. **Мавзу:** Она тилим.

Дарснинг мақсади: болаларда она тилимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини пайдо қилиш.

Дарсларга керакли жиҳозлар: расмлар, тарқатма дидактик материаллар, мақоллар тўплами.

Ўқитувчи ким чиройли гапиришни билса, унинг нутқи ҳаммага тушунарли, ҳамма ўз она тилини яхши билиши, кўп китоб ўқиши, машқлар бажариши, тўғри ва чиройли ёзиши кераклигини айтиб ўтади. Ўзбек тили жуда жарангдор сўзларга бой эканлиги, шунингдек, ҳамма ўз она тилида яхши гапириши, ҳар бир инсон ўз она тилидан ташқари яна бир неча тилларни билиши кераклиги болаларга амалий мисоллар билан уқтирилади.

Сўнг болалар эътибори дарсликдаги «Она тилим» шеърига тортилади. Шоир Мухтор Худойқулов она тилини шундай таърифлайди:

Она тилим,
Жону дилим,
Сенинг билан
Бийрон тилим.

Ўқитувчи шеърни ифодали ўқиб беради. Шеър мазмуни тушунтирилади. Биринчи тўртликдаги **бийрон тилим** ибораси-нинг маъносини болаларга амалий мисоллар билан уқтирилади.

Болалар эътибори матнга қаратилади. Ҳар бир сўз ва мисраларни тўғри талаффуз қилиб ўқиш, сўнг уни биргалашиб ёд олишга киришилади.

Тил, нутқ ҳақида бир неча мақоллар айтилади: **Тилга эътибор-элга эътибор.**

Дам олиш дақиқасида:
Кўп сўзнинг ози яхши,
Оз сўзнинг ўзи яхши.
Гапни оз сўзла,
Ишни кўп кўзла.
Дукур, дукур от келди
Чиқиб қаранг ким келди.

Болаларга карточкалар тарқатилади.

Уларда: **Али... гапирди.**
Салима шеърни ... айтди.
Шуҳрат эртакни ... сўзлади.
Қўйиш учун сўзлар:
(ёқимли, таъсирли, қизиқарли қилиб)

Тўлдирилган карточкалар текширилади. Тўғри бажарган ўқувчилар иши алоҳида таъкидланади.

Синфдан ташқари ўқиш дақиқаларида болаларга мактаб кутубхонасидан қандай китоб олиб ўқиганлари, улардан қайси бири ёққанлиги, нима учун ёққанлиги сўралади ва бир неча китоблардан парчалар ўқитилади.

«Она тилим» шеърини таҳлил қилиш учун дарсликдаги саволларга жавоб беришга болалар эътибори тортилади. 2-ёзув дафтарларига ажратиб кўрсатилган сўзларни ёзиш ишлари амалга оширилади. Дарс сўнгида ўқитувчи:

— Болалар, бугун биз нималарни ўргандик? — деб мурожаат этади

Болалардан эса:

— Она тилимизда ёқимли гапиришни ўргандик, — деган жавоб олишга муваффақ бўлинади.

Ўқитувчиларга уйда ота-оналари, ука-сингилларига «Она тилим» шеърини таъсирли айтиб бериш топшириғи берилади.

9-10 дарслар. **Мавзу:** Китоб — хазина, билим — бойлик.

Дарснинг мақсади: Болаларда китобни севиш, уни яқин дўст билиш ҳисларини тарбиялаш, саводли ёзиш малакаларини ҳосил қилиш.

Дарсларга керакли жиҳозлар: «Китоб менинг дўстимсан» қўшиғи ёзилган магнит тасмаси, расмлар, тарқатма дидактик материаллар.

3-машқни бажариш учун мақол ёд олдирилади. Маъноси тушунтирилади. Матнда нечта гап борлиги, уни сўзларга бўлиш кераклиги айтилади. Сўзлардаги товуш ва ҳарфлар сони, унли, ундош ҳақида сўралади. Сўнг китобни муқаддас билиш, у инсонларнинг гап ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади. Кўп китоб ўқиш кераклиги болалар онгига сингдирилади. Китоб билан муомала қилиш, уни ўқиш қоидалари тушунтирилади. Ҳеч қачон ётиб, ёнбошлаб китоб ўқиш мумкин эмаслиги эслатилади.

Дам олиш дақиқасида:

«Билим — кучда, куч — билимда» мақолини ҳаракатлар билан айтиш. Сўнг болалар «Китоб менинг дўстимсан» қўшиғини тинглашга таклиф этилади. Унда кутубхонада ташкил этилган бурчаклар ҳақида ҳам сўралади. Уй кутубхонасидан ука ва сингилларини ҳам фойдаланишларини, яъни уларга шеър, қўшиқ, эртак ўқиб беришлари эслатилади.

Дарс якунида муқаддас, эъзозлаш, эътибор, қоида, зарар сўзларининг маъноси тушунтирилиб, ёзув дафтарларига чиройли қилиб ёзишлари айтилади.

11-12 дарслар. **Мавзу:** Вақт қадри.

Илмий бўлим мудири Х. Узоқов, 44-мактаб директори Н. Мирзалиев, вилоят малака ошириш институтининг ходими Юсуф Сайдиёровлар ҳам таълимнинг тест-рейтинг усули хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар барча мактаб раҳбарлари учун ғоят фойдали бўлиб, янги ўқув йилидан бошлаб барча мактабларнинг юқори синфларида янги усулга ўтишга келишиб олинди.

С. ТУРДИБЕКОВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Янги турдаги ўқув масканларида

ШОВОТДАГИ ШУКУҲЛИ МАСКАН

Хоразм вилоятининг Шовот тумани марказида теварак-атрофлари ораста, узи шинамгина ўқув-тарбия маскани бор. Ал-Хоразмий номли ёш физик ва математиклар лицейи деб аталувчи бу даргоҳнинг таърифи маълум ва машҳур. Негаки, бу ерда эртанги кунимизнинг эгалари, бўлғуси физиклар, математиклар вояга етмоқда.

Мазкур лицей узига хос тарихга эга. 1976 йилда мактаб сифатида ишга тушган. 1977 йилдан бошлаб эса математика бўйича чуқурлаштирилган ҳолда билим берувчи синфлар очилган. Мана, ниҳоят, ушбу мактаб базасида вилоят лицейи ташкил этилган. Педагогик жамоа бу йил маскан ташкил этилганининг 20 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Лицейда вилоят туманларидан келган билимга ташна 350 нафар йигит-қиз таълим-тарбия олмоқда. Улар меҳрибон ва ғамхўр устозлари ёрдамида узларидаги билим ва иқтидорни янада бойитмоқдалар. Лицейда ишлаётган 43 нафар муаллимнинг 13 нафари олий тоифали ўқитувчилардир. Шунингдек, 19 нафар тарбиячи ҳам уз касбига меҳр қуйиб, сидқидилдан ишламоқда. Меҳри дарё, қалби қайноқ устозлар ота-оналар ҳурматига, шогирдлар эъзозига сазовор бўлишмоқда.

Физика муаллимларидан Қузибой Отабоев, Рашид Матёқубов, тил ва адабиёт муаллимаси Дилором Ҳасанова, математика ўқитувчиларидан Норбой Норметов, Дилшод Солаев, тарбиячи Нодира Ражабовалар лицей педагогик жамоасининг фахри ҳисобланишади.

Илмий бўлим мудири Султонбой ака Сафарбоев 27 йилдан бери педагоглик касбини эъзозлаб келмоқда. Шундан 20 йилида мазкур лицейда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаяпти. Шу даргоҳга кўп йиллик меҳнати сингган, туман ва вилоят ўқитувчиларининг фахрига айланиб қолган яна бир ажойиб инсон ҳақида сўз айтмасликнинг иложи йўқ. Бу куюнчак инсон шу лицей директори, тажрибали муаллим, моҳир ташкилотчи Рузимбой ака Оллабергановдир.

Рузимбой ака тиниб-тинчимайдиган, янгиликка интилувчан, лицей ўқувчиларини ўз фарзандларидай қурадиган олижаноб инсондир. Рузимбой ака-нинг хизматларини лицей ўқувчиларига яратиб берилаётган шароитлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Лицей ётоқхоналаридаги шароитни кўриб хурсанд булдик. Хоналар файзли ва шинам қилиб узбекона безатилган. Лицей залида кечқурунлари турли маданий тадбирлар ўтказиб борилмоқда. Зебо Отабоева, Роза Каримова, Назокат Собирова каби ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда улар лицейдаги таълим-тарбия ишларидан, ётоқхонадаги шароитдан миннатдор эканликларини айтишди. Ётоқхонада бўлганимизда 11-синф ўқувчилари кечқурунги концертга қизғин тайёргарлик кураётган эканлар.

Лицейдаги ўқув жараёни билан танишиб, қониқиш ҳосил қилдик. Ҳар бир ўқув кабинетининг уз номи бор экан. Лицей заллари ва ўқув хоналари дид билан безатилган. Биология хонасига киришимиз билан деразадан барқ уриб яшнаб турган лимонарий кузга ташланди. Ўқувчилар биология дарсини гуё лимонарийда ўтаётгандай таассурот қолади кишида. Чунки лимонарий биология хонаси дераза-ларига ёндош қилиб қурилган. Ўқувчилар билан ҳар куни икки ярим соат синфдан ташқари машғулотлар ўтилади. Ўқувчилар тарбиячилари раҳбарлигида билимларини янада мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, бу даргоҳда турли йўналишлар бўйича 25 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда.

Лицей ошхонаси бирданига 350 ўқувчини овқатлантириш қувватига эга. Бош ошпаз Сафарбой Холиқов овқатлар сифатини ва тўйимлилигини доимий назоратдан ўтказиб туради. Қуронбой Олланазаров, Тозагул Қучқорова каби шифокорлар болалар саломатлиги йўлида жон куйдирмоқдалар.

— Эндиликда четдан маблағ ёки ёрдам кутиб ўтириш ношудлик ҳисобланади. Шунинг учун ёрдамчи тармоқларни ривожлантиряпмиз. 1 гектарлик боғимиз бор. Ўтган йили 4 гектар ерга пахта, 2 гектар ерга шоли экдик. Чорвачиликни ривожлантиряпмиз, — дейди лицей директори.

Лицей раҳбарияти ёшларнинг жисмоний камолоти йўлида ҳам хайрли ишларни амалга оширди. Масалан асфальт-бетон заводининг ҳомийлигида стол тенниси саройи ишга туширилди.

Вилоятдаги чуқурлаштирилган ҳолда билим берувчи бу даргоҳдан келажакнинг муносиб ворислари чиқишига ишониб, лицей жамоасининг хайрли ишларига ривож тилаймиз.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ,
«Хоразм зиёкори» газетасининг муҳаррири.

Кўнгил битиклари

АЁЛЛАР

Ҳар баҳорнинг зеболиги аёлдан,
Турфа гулнинг раънолиги аёлдан.
Суманбарнинг ҳайронлиги аёлдан,
Булбулларнинг гирёнлиги аёлдан.
Наслларнинг асллиги аёлдан.
Йигитларнинг Рустамлиги аёлдан,
Ҳур қизларнинг ҳуррамлиги аёлдан.
Уй саришта бўлмоғи ҳам аёлдан,
Тўрва-халта тўлмоғи ҳам аёлдан.
Тўй-тантана бўлмоғи ҳам аёлдан,
Ҳаёт гулгун бўлмоғи ҳам аёлдан.

ҚАЛБИ ҚУЁШ УСТОЗЛАРИМГА

Қанча қора кўзларга,
Илм нурин сочдингиз,
Қалб кўзини уйғотиб
Қулфи дилин очдингиз.
Устозларим Моҳира,
Ҳам Саодат, Ҳалима,
Ноилаю Муаззам —
Меҳрибон муаллима.
Сиз ўқитган болалар,
Мисоли кенг осмонни
Тўлдирган юлдузлардай,
Ёриттайдир жаҳонни.
— Илм, нурдан баҳра ол, —
Ёнингизга чорлайсиз,
Юлдузларга раҳнамо
Қуёш каби порлайсиз.
Қалби қуёш устозлар.

БАҲОР ЕЛИ

Севимли дилларнинг гул нигоҳига
Минг жоду-сеҳр-ла боқиб ҳар наҳор,
Гўё таскин берар кўнглим оҳига,
Қалбимга гўёки малҳамдир баҳор.
Гўёки овутмоқ бўлиб эркалар,
Хаста дил ғуборин ювмоқчидек ел.
Шивирлаб, лолазор томон юр, дейди,
Дейди, булбулларнингбазми сари кел!
Баҳор гўзаллигин томоша айла,
Майса-кўкатлару шафақранг осмон...
Эски фироқларга чек қўйгил, жоним,
Оҳ урма, юр жоним, гул сайли томон.

Мукамбар АЗИМОВА.

Спорт

ТАЭКВАНДО

Таэквандо спортнинг энг қизиқарли турларидан бири ҳисобланади. Негаки, ҳозирги кунда Узбекистонда спортнинг ушбу турига қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бораяпти. Пойтахтимиздаги Марказий спорт клуби залида Узбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 12 та жамоадан 120 дан ошиқ маҳоратли спорт усталари иштирок этдилар. Тошкент вилояти таэквандочилари совринли ўринларни қўлга киритишди. Улар 10 та мукофотдан 8 тасига эгалик қилишди.

Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, шу йил Малайзия ва Санкт-Петербургда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақага қизғин тайёргарлик кўриш.

ВОЛЕЙБОЛ

Мамлакатимизда спортнинг волейбол тури жадал суръатлар билан ривожланиб боряпти. Яқинда пойтахтимизда волейбол бўйича эркаклар ўртасида охирги тур учрашувлари ўз поёнига етди. Қизғин ва мусосиз ўтган беллашувларда Қуқоннинг «Автомобилчи» жамоаси ниҳоятда чиройли уйин кўрсатиб, асосий голибликни қўлга киритди. Жамоа шу кунга қадар мағлубият нималигини билмай келган Самарқанднинг «Канол» жамоасини 3:2, наманганликларни эса 3:0 ҳисобида догда қолдиришди.

Мусобақа сўнгида ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

У. АКТАМОВ.

Кувноқ стартлар

«ИСТИҚЛОЛ» – РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Мактаб ўқувчиларининг XIV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси финал учрашуви кутилганидан ҳам қизғин кураш лар остида ўтди. 30 январь куни Марказий ҳарбий спорт клуби залига ташриф буюрган пойтахт мактаблари ўқувчилари, Бухоро ва Жиззах вилоятидан келган спорт ишқибозлари, ҳомий ташкилотлар вакиллари республика ва Тошкент шаҳар ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорлари ҳамда ёш спортчиларнинг намунавий чиқишларини томоша қилишди, икки жамоанинг муросасиз беллашувлари шоҳиди бўлишди.

Финал мусобақасигача Бухоро вилояти Когон туманидаги 3-мактабнинг «Олимпия» ва Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 13-мактабнинг «Истиқлол» командаси саралаш мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, финалга чиқишди. Когонликлар дастлабки учрашувда Ғузор туманидаги 50-мактаб жамоаси билан учрашувда 25-24 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тахиатош туманидаги 7-мактаб ҳамда Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги 6-мактаб командалари билан учрашувда эса 23:16 ва 25:13 ҳисобида ютуққа эришди.

Жиззах тумани спортчилари эса Сурхондарё (22:17), Хоразм (28:11), Самарқанд (25:13) вилоятлари командаларини мағлуб этишди.

Шубҳасиз, финал мусобақаларида тажриба ва маҳоратларини ошириб борган ҳар икки мактаб жамоаси чемпионлик учун астойдил тайёргарлик кўрганлиги уйин бошланишиданоқ яққол сезилди. Командаларнинг «зангори экран»даги учрашувини томоша қилганлар Жиззах вилояти вакилларининг катта устунликка эга эканликларини гувоҳи бўлишлари мумкин. «Истиқлол» жамоаси дастурнинг кетма-кет тўрт учрашувида («Тусиқлар оша эстафета», «Катта эстафета», «Чаққон болалар», «Эпчилликда беллашайлик») ғалаба қозониб, 12 очко жамғаришди. Бешинчи учрашувда эса «Олимпия» жамоаси ютуққа эришди. «Қувноқ ҳажвий уйин» ва сардорлар беллашувлари дуранг (1:1) натижа билан тугади. Яна икки учрашувда ҳам жиззахликлар ютуққа эришишди. Лекин ютуққа эришилган «Чаққонликда беллашайлик» уйинида хатога йўл қўйилгани учун «Истиқлол» командасидан бир очко олиб ташланди.

Хуллас, қизиқарли ўтган финал мусобақасида жиззахлик ўқувчилар 20:11 ҳисобида ғалаба қозониб, XIV республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси чемпионлари бўлишди. Бухоролик ўқувчилар иккинчи ўринни эгаллашди.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Хайриддин Маъсудов спорт ишқибозларининг энг севимли томошаси, спортни кенг оммалаштириш омили бўлган «Қувноқ стартлар» телемусобақаси ғолиби — жиззахлик ўқувчиларни катта муваффақият билан қутлаб, уларга Халқ таълими вазирлигининг махсус кубоги ва 1-даражали дипломини, когонлик ўқувчиларга эса 2-даражали диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Узбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов финал беллашуви қатнашчиларини қизғин табриклаб, ғолибларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Маҳаматали Ҳайдаров ҳар иккала жамоага вимпел ҳамда ҳар бир мусобақа қатнашчисига, мураббийларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Биз мусобақа тугагач, спорт залида уйинни кузатган Республикада хизмат кўрсатган спорт устози, «Меҳнат резервлари» КСЖ Самарқанд вилояти раиси муовини Мамажон Аҳмедов ҳамда Жиззах туманидаги 13-мактаб директорининг маънавият ва тарбиявий ишлар ўринбосари Турғун Шоймоновдан ғолиб команда ҳақида қисқача фикр-мулоҳазаларини сурадик.

Мамажон АҲМЕДОВ: — Мард майдонда синалади, деган гапда жон бор. Мен Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти командаларини катта ҳисоб билан ютган жамоамизнинг жиззахликларга 25:13 ҳисобида ютқазиб қўйганида, бу мактаб спортчиларининг чаққон ҳаракатлари ва маҳоратларига тан берган эдим. Бухоролик ўқувчилар ҳам уларнинг эркин ва дадил ҳаракатлари олдида довдираб қолишиб, кўплаб хатоларга йўл қўйишди. Натижада йирик ҳисобда уйинни бой беришди.

Жиззахлик ўқувчиларнинг устози Неъмат Уриновни меҳнатлари зое кетмаганлиги билан қутлаб, унга янгидан-янги зафарлар тилайман.

Турғун ШОЙМОНОВ: — Мактабимиз «Қувноқ стартлар» мусобақаларида 1992 йилдан буён қатнашиб келаётир. Олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчимиз, спорт устаси Неъматжон Уриновнинг тинимсиз меҳнатлари рўёбга чиққанидан чексиз хурсандман. XIII республика «Қувноқ стартлар» мусобақасида 3-ўринни олганимизда, у келгусида чемпионликни қўлга киритишга аҳд қилган эди. «Яхши ният ярим давлат» деганлари шу бўлса керак.

Мактабимизда спортни кенг оммалаштиришга катта эътибор берилаяпти. Мактаб талабаларидан спорт усталари, спорт усталигига номзодлар, юқори разрядли спортчилар етишиб чиқмоқда. Ҳозирги кунда кураш, қўл тупи, енгил атлетика, футбол, волейбол, баскетбол ва бошқа тўгараклар ишлаб турибди.

Спорт мактабимизда соғлом инсонни тарбиялаш омили сифатида бундан кейин ҳам кенг оммалашиб бораверади.

Ғ. МАННОПОВ.

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол» жамоаси сардори Н. Маллаева (1 бет). Ғолиб жамоа.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ҳуллас...

ШЕРБАЧЧА КЕЛИН БЎЛДИ

Екатеринбург ҳайвонот боғининг фуқароси, Мэри лақабли шербачча бундан ярим йил муқаддам туғилган. Бироқ саркаш она шер уни эмизишдан бош тортди. Маъмурият шербачча тарбиясини ўз ходимларидан бирига топширди. Вақт-соат ўтиб у гурзигарондай келбатли, панжаларидан ўт чақнаб турувчи, аммо ўзига хос маъсума шерхонимга айланди. Жуфт-жуфти билан деганларидай, маъмурият шерга бир танмаҳрам ахтариш пайига тушди. Куёв булиш чеки Германия ҳайвонот боғидаги шерга тушди. Келиннинг маҳри учун германиялик зоологлар тиббий ускуналар тақдим қилишади.

ҲОКИМЛАР ҲАМ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Литванинг Шауляй шаҳри ҳокими А. Ланкаускас дам олиш куни шаҳар автобусида чиптасиз юргани учун 20 лит — 5 доллар жарима тўлади. Чунки, дам олиш куни бўлгани учун талон сотадиган кўшкалар ёпиқлиги сабабли, ақобир чипта олишга улгурмабди.

Эртаси куни ишга борган ҳоким қўли остидагиларнинг барчасини оёққа тургизди: нега якшанба кунлари чипта кўшкалари ишламайди? Ходимларнинг жавоб беришича, кўшкачилар дам олиш куни ишлашдан бош тортаётган, ҳайдовчилардаги чипталар йўловчиларга етмаётган экан. Рўзномаларнинг таъкидига қараганда, ҳокимнинг жабр тортиши оқибатида, мазкур муаммо ҳал бўлиб кетади. Ва улар яна, ҳамма бошлиқлари халқ ичига юриш қилишга даъват қилишмоқда. Шунда ер юзида муаммо деганнинг ўзи қолмасди.

БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Олимларнинг тадқиқотига қараганда, Европанинг шимолий қисмидаги давлатлар — Исландия, Голландия, Швеция аҳолиси кўпроқ ўзини бахтли ҳисоблашаркан. Профессор Руут Ветхонен йигирматадан ортиқ мамлакатда суров ўтказиб, шундай хулосага келди. Олимнинг хулосасига қараганда, шимол давлатларидаги бундай натижа, энг аввало, улардаги ишонч руҳи экан. Бундай руҳнинг пайдо бўлишига эса мусаффо табиат ўз таъсирини кўрсатар экан. Шу боис, профессор Ветхонен ўз тадқиқоти бўйича ёзган мақоласини шундай тугатди: «Бахтли бўлай десангиз, табиатни асранг!».

ОНА БЎРИ СОЯСИ

Мисрнинг Кена музофотида кейинги икки ой давомида ғалати ҳайвонлар тўдаси ҳужумидан тўрт киши ҳалок бўлди, йигирма саккиз киши жароҳат олди. Ташқи кўринишидан бўрини эслатгувчи бу ҳайвонни мисрликлар «силава» («она бўри») деб аташмоқда. Яқинда бу ишга мутахассислар ҳам аралашишди. Қўлга тушган ваҳшийни текшириб, хулосага келишдики, бу бўри эмас, ёввойи ит экан.

Қоҳира ҳайвонот боғининг бошқони Мустафо Авднинг айтишича, силавалар Миср жанубидаги чўлларда яшайди. Уларнинг аҳоли турар жойларига бунчалик яқин келиши, емиш танқислиги оқибатидир.

ана шундақ гаплар

Қутлов

«ИНСОНЛАРНИ МАЪРИФАТГА ЧОРЛАНГ!»

Эллик ёшга кирган киши, унинг ўтган ҳаёт йўли, дунёқараши ҳақида анчагина гапларни бичиб-тўқиш, бўрттириб ёзиш мумкин. Лекин айни пайтда ярим аср яшашга улгуриб қўйган одамга бямасдан-бежамасдан, бор ҳолича тавсиф бериш ҳам мумкин.

Агар мақола қаҳрамони маърифатли инсон ва жамиятнинг фаол аъзоси сифатида у бу ишларни амалга оширган бўлса, нур устига нур. Қалам аҳли айланиб-ўргилиб ёзади. Ахир, АҚШнинг учинчи Президенти Томас Жефферсон ўз даврида шундай даъват қилган эди: «Инсонларни умуман маърифатга чорланг ва руҳ билан тана устидаги золимона ҳукмронлик ҳамда жабру-жафолар тонг нуридан ғойиб бўлувчи зулмкор ажиналар каби йўқолади».

Фозилжон Содиқовни ана шу тоифага мансуб кишилар қаторига қўшгимиз келади. Унинг юзи сизга ҳам иссиқ кўриняпти. Тўғри, у кишини сиз ойнаи-жаҳон орқали кўп марта кўргансиз, кузатгансиз. Телевизион «Светофор» уйини эсингизга тушди шекилли.

Фозилжон Содиқовнинг энг катта ва кўзга кўринган ишларидан бири ҳам ана шу уйин-кўрсатувни ташкил этишдан иборат бўлди. Мана, 26 йилдирки, «Светофор», кейинчалик «Яшил чирок» деб номланган телевизион танлов зангори экрандан тушмай келаяпти. Бу танлов ҳар йили вилоят мактаблари ўртасида ўтказилиб, ғолиб деб топилганлар республика танловида қатнашадилар. Бундан ташқари, ҳар йили турли вилоятларда йўл ҳаракати назоратчиларининг республика слётлари ўтказилиб келинаяпти.

Фозилжон Содиқовнинг иш жойи ҳозирги республика таълим марказидир. У бу ерда 1973 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётир. Етакчи методист сифатида унга ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш вазифаси юклатилган эди.

Соғлом бола доимо оилага қувонч келтиради. Аммо бу қувончни йўққа чиқарадиган йўлдаги бахтсиз тасодифлар қанча?

Фозилжон Содиқов ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш билан бирга болаларни кўнгилсиз ҳодисалардан асрашга доир рисолалар, методик қўлланмалар, мақолаларнинг муаллифи сифатида ҳам танилди. «Болаларни бахтсиз ҳодисалардан асранг», «Болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш», «Йўл ҳаракати қоидалари» номли рисолаларнинг муаллифи Ф. Содиқовдир.

Мўъжазгина мақоламизнинг қаҳрамони ўтган умрини, амалга оширган ишларини таҳлил этаётгандир. Ҳар ҳолда сарҳисоб қилишга арзийдиган ишлари йўқ эмас. Маълум маънода элга маърифат тарқата олди. Қллоҳ танига куч-мадор берса, ҳали ўйлаган, ният қилган режалари кўп. Бу режаларнинг мазмун-моҳиятида бахтиёр болаликни асраш ётали!

Ҳ, КУЗМЕТОВА.

ЧИНОҚ

ҲИКОЯ

«Сайдинг қуябер, сайёд»ни уқигансиз. Ўша кийик овчи қулида изтироб чекканини биласиз. Боласи етимча бўлиб қолганини ҳам биласизми? Билмайсиз.

Ўша мода кийик аслида кўп наслнинг онаси бўлган. Камина ана шу етимча бўлиб қолган бола кийикнинг қисмати ҳақида ёзаман.

* * *

Бирдан ўқ овози эшитилиб, онаси ёнида турган бола кийик умбалоқ ошиб тушди. Урнидан турганида қулоғи оғир, илиқ нарса сизиб томар эди. Бола кийик ортига қарамай қочганини билади. Кетига қараганди, онаси кўринмади. Шунда у «Қаердасан, онажон?» дегандай маъради. Онаси овоз бермади...

Бола кийик арчалар, қоялар орасида юрди, қулоғи зирқираб оғриди. Бунинг устига «тиқ» этган шарпадан чўчиб қолди. Онасининг «Қоч, болам!» дегандай хуштакка ўхшаш овози қулоғида урнашиб қолган эди. Энди қочишга ундовчи хитоб қани?! Энди бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб, қўрқувдан титраб, атрофи очиқ қоя ёнида турди. Хайрият, тунни тонгга соғ-саломат улади. Лекин чиноқ бўлиб қолди.

Чиноқ ҳадиксираб, атрофга олазарак боққанча, субҳи содиқда онаси бошлаб борган жилғаларга борди. Ут-ўлан, япроқлардан еди. Сут урнини босмади. Айланиб онаси ўқ зарбидан йиқилган жойга келди. Онасини учратмади. Она меҳрига қонмаган Чиноқнинг юраги эзилиб кетгандай булди.

Кечаси атрофда онда-сонда бури ва бошқа жондорларнинг қўрқинчли овозларини эшитди. Онаси булганда улар қўрқинчли туюлмасди. Шунда Чиноқ яна онасини қўмсади. Буталар, қоялар орасида юриб тамшаниб қўйди. Бир тулкини узоқдан кўриб турган Чиноқ унинг эпчил, ҳийлагарлигига қойил қолди. Овчининг итини кўриши билан тулки изини ўзгартирди. Ит билан мерган бошқа томонга кетди. Бу зийраклик Чиноққа ибрат булди.

Энди нима қилсин? Осмон баланд, ер қаттиқ. Ҳаёт жуда ҳам ширин. Яшаш учун курашмоқ керак. Қулоқ яраси гарчанд қийналиб булса-да, битди. Нима, Чиноққа ўхшаш бир мучаси камлар йўқми? Бирдан у ўз кўзи билан кўрди-ку, агар у арча ёнидан дик этиб чиқиб қолмаганида бунчалик яқиндан кўрмаган буларди. Бечора қўёнинг бир оёғи оқсоқ, эгри. Балки ғаними шундай қилгандир.

Чиноқнинг ҳам ғанимлари кўп. У кўп кўргулликларни кўрди. Зийраклик, чаққонлик, ис билиш асқотди. Бўлмаса, аллақачон жондорларга ем буларди.

* * *

Куз охирлаб, изғиринли қиш бошланганида Чиноқ тоғ қоровулининг қулида «меҳмон» бўлиб, паноҳ топди. Бирмунча улгайди.

Йиллар ўтаверяркан. Чиноқ тулишиб, бўй етиб қолди. У жилға ёнида юрган эди, шохли бир кийик тоғдан тушиб келди. Чиноқ қўрқиб кетди. Сабаби, у баъзан тўхтаб бошини сарак-сарак қилар, баъзан эса тумшуғини қўққа кўтариб нималарнидир ҳидлар, баъзан тўхтаб атрофни кузатар эди. Маълум бўлишича, бу кийик бошидан ўқ еган ва жароҳати битиб кетган бўлса-да боши қалтироқ бўлиб қолган экан. У Чиноқни кўрди. Чиноқ қочмоқчи эди, шохли кийик аллақандай ёқимли овоз чиқариб яқинлашди... Баҳор келиши билан Чиноқ оғирлашиб қолди. Шундай бўлса-да, жуда чаққон, учқур, ҳид билиш қобилияти ортиб борарди.

Кунларнинг бирида у узини аллақандай ғалати ҳис қилди. Соат сайин тўлғоққа ўхшаш нарса авжланиб борди, ётди. Бир маҳал қузилаб қўйди. Бурилиб боласини ялади. Боласига булган меҳри ошиб бораверди. Шунда Чиноқ онасини қўмсади. Онасининг Чиноққа бу қадар меҳрибонлигининг боисини шунда туйди.

Орадан кунлар ўтиб, Чиноқ боласини жилғалар, қоялар орасига бошлаб борди. Булоқдан сувлатиб кўкат, дарахт япроқларидан едирди. Шунда «пақ!» этган овоз эшитилдию Чиноқ ўша томонга мунис боқди. Овчида шафқат деган нарса йўқ эди. Хайрият, ўқ тегмай соғ саломат қутулиб кетишди.

Овчи сабр тагида ҳолва борлигини яхши биларди. У овчи Эш эди. Эш кийиклар изидан борди. Ерга қизил қон томганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Қора қон томганда унинг йўриғи бошқа эди. Излаб уни топарди.

* * *

Эрмат полвоннинг айтишича, Эркинхужа уни ҳузурига чақиртирган.

— Полвон, битта кийик керак булиб қолди. Яхшилигингизни қайтараман, — деган.

Эрмат полвон чурт кесибди:

— Аввалам бор узингиз яхши биласиз, мен мерган эмасман. Узим-ку отмайман-а, бошқани ҳам қўймайман кийикка ўқ узгани. Ҳозир кийикнинг қушилиш вақти. Унинг урнини қўчқор ёки ҳўкиз босмадими, укам?

— Кийикнинг йўриғи бошқа-да, полвон, бировга ишинг тушса... сизда кийик бор экан, олинг икки қўчқорнинг нархини.

* * *

Ушанда мерган отган ўқ, худди ўзига келиб теккандай Эрмат полвон чайқалиб кетди. У бодомзордан уни аниқ эшитди. Узини тутолмай етиб борганда кийик қонини кўрди-ю ўзини қўролмади. Мерган аллақачон кийикни олиб, жуфтакни ростлаган экан. Куп йилдирки кийиклар шу атрофда болалайди. Болаларини эргаштириб юради. Кийикларни полвон гоҳ қиёқликда, гоҳ бодомзорга яқин жойда учратса-да, ҳадик бермайди. Улар ҳам буноқ унга эргашди. «Ҳайвон ҳам яхшиликни билади», — полвон унинг бошини силади: «Энди тогда эркин яша, мен сени тутқун қилдим, ун, урчи».

Шундан сўнг Чиноқ тоғдан ошиб келган шохли кийикдан урчиган эди...

* * *

Сершох арча ёнидан ўқ овози эшитилди. Овоз жаранглаб, «пақ!» этди. Демак, нишонга теккан. Эрмат полвон кафтини пешонасига соябон қилиб тикилди. У шахд билан қоя устига чиқди. Дурбинини олиб қаради. Овчи олди-ортига арчадан ниқоб ясаган. Кунгай томонга эса бир туда кийиклар чўққи томон қочиб кетяпти.

Қулида милтиқ, кийик изини олиб кетган Эш мерган илкис тўхтаб, узини арча панасига олди. Эрмат полвон уни кўриб танидию кўз олди қоронгилашди. Нафрат аралаш деди:

— Эш! Мен сени яхши одам деб юрардим... Мерган булсанг молхўр бўрини от! Қутурган итни от! Келиб-келиб мода кийикни отасанми?! Қачонгача тоғнинг ноёб бисотини қуритасан?! Ахир, мен буни вояга етказиб, тоққа қўйиб юборган эдим-ку, қотил! Сенга ухшаган мерган етим қилган кийикча эди бу! Шу билан икки марта яраланиши... Лаънат сенларга!

Ноилож қолиб, узини оқлашга уринган Эш мерган: «Эркинхужа акамнинг буйруғини икки қилолмадим-да, — деди энтикиб...

* * *

«Чиноқ нега узоқларга кетмайди? Одамга ўрганганиданми ёки тугқунлик таъсиримми, уни қора қилиб шу атрофда юрармикин?» уйлади Эрмат полвон. У Чиноқни иккинчи марта қўлга олди. Бечора Чиноқ, ахир ҳамма одамлар бирдай шафқатли бўлмайди-ку, наҳот шуни сезмасанг?» — Полвон Чиноқнинг оёғини икки тахтача орасига олиб боғлади...

Соғайган Чиноқни тоққа қўйиб юборди.

Қиш баҳорга урнини бўшатиб берди. Атроф яшилланиб, Эркинхужанинг кунгли керакли одамлар билан кийик гушти тусади. Шунда воқеа бошқачароқ кечди. Эш мерган кузи кийикка тушиши билан милтиғини тутганича қотиб қолди. Муъжиза уни сеҳрлаб қўйганди: бола кийик оғзини кўпиртириб Чиноқни эмарди. Бу, тошпорак Эшнинг юракбағрини эзиб юборди.

Жондорларга қирон солган урчимас, деган нақл бор. Шунданми, Эш бефарзанд эди. Маломат, таъналар уни қийнади. Тирноқ дея ўзини ўтга, сувга урди. Айбини хотинига юклади.

Кеч бўлса-да, тирноқ кўрди. Эш туйиб ичди. Уйига кайф ҳолда келди. Севинчдан тўйиб-тўйиб йиғлади. «Ме-н фар-зандли бу-бўлдим!» деб жар солди.

Фарзанди онасини шунақанги инқиллаб-синқиллаб эмарди. Минг афсуски, орадан кўп ўтмай шафқатсиз ажал онасини олиб кетди. Фарзанди онасиз қолди. Тошпорак Эшнинг кўзларидан иккинчи марта ёш шашқатор оқди.

Эҳ-ҳе, Эш уни тетапоя қилгунча она сути оғзига келди. На кечаси, на кундузи тиним билди. Ҳам ота, ҳам она бўлди. Мижжа қоқмай чиққан тунлари кўп...

Эш гоҳ бола кийикка, гоҳ Чиноққа суқ билан тикилди. Чиноқнинг меҳри товланиб, боласини ялар, баъзан ҳадиксираб атрофни гамгин кузатарди. Бола кийик эса думчасини ликиллатганича эркаланиб, оғзи қупикланиб онасини эмарди.

Эш инграб юборди. Ис олдими ёки ҳадик сездими, Чиноқ илкис жойидан қўзғалди. Қоядан-қояга сакраб қочди. Бола кийик онасидан ортда қолса, илкис тўхтаб, уни олдига солиб чопди. Улар бир қир ошиб кўздан ғойиб бўлгач, Эш узига келди. Ҳудди бир ой етиб турганга ўхшарди. У қалбидан қандайдир бир ачиниш туйди. Тогда бўрилар кийик тутиб егани, суяк қолдиқларини кўплаб кўрган. Ушанда кийикларга заррача ачинмас эди. Ҳозир эса қалбининг қаеридир ачишгандай булди. «Ишқилиб, Чиноқ бури чангалига тушмаса булгани».

Эш кук бўрига дуч келди. Уни нишонга олиб тепкини босди...

Эш қишлоққа энди. Йўлда учраган нарсалар уни олқишлагандай туюларди. У қайтиб қулига милтиқ олмади.

Саттор МУҲАММАД, фахрий муаллим.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Лукмон БЎРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-089.Тиражи 49.620. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.